

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ОЗИҚ-ОВҚАТ СИЁСАТИ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШДАГИ ЗИДДИЯТЛАР ТАҲЛИЛИ (1940 йиллар мисолида)

М. Хўжамов

Наманган давлат университети ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада иккинчи жаҳон уруши йилларида республикада озиқ-овқат таъминоти масаласида совет ҳокимиятининг амалга оширган чора-тадбирларининг қисқача таҳлили, ҳамда, озиқ-овқат таъминоти билан боғлиқ жараёнлар, шунингдек, кундалик эҳтиёжнинг энг асосий тури ҳисобланган озиқ-овқат таъминоти ва ушбу сиёсатининг амалга оширилиши таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Озиқ-овқат сиёсати, иккинчи жаҳон уруши, озиқ-овқат, колхоз, ғалла, гўшт ва сут, ер масаласи, озиқ-овқат саноати.

АННОТАЦИЯ

В данной статье дан краткий анализ мер, предпринятых советской властью в вопросе продовольственного снабжения республики в годы Второй мировой войны, а также процессов, связанных с продовольствием, а также снабжением продовольствием, которое считается наиболее. Анализируются основные виды повседневных потребностей и реализация этой политики.

ABSTRACT

In this article, a brief analysis of the measures taken by the Soviet authorities in the issue of food supply in the republic during the Second World War, as well as processes related to food supply, as well as food supply, which is considered the most basic type of daily need, and the implementation of this policy are analyzed.

Ўзбекистон уруш йилларида аграр мамлакат сифатида озиқ-овқат, хом ашё ва тайёрмаҳсулотлар етказиб берди. Марказ кўрсатмаси билан уруш йилларида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик соҳасига катта эътибор қаратилиб, пахта, ғалла ва қанд лавлаги каби озуқабоп экин турларини етиштириш кўпайтирилди. Бундай ҳолат уруш якунлангандан кейин ҳам юқоридаги маҳсулотларга бўлган талаб Марказ томонидан ошириб борилди. Бунга уруш йиллари Иттифоқ ҳудудининг урушдан катта талофат кўргани, қишлоқ хўжалиги ерларинг яроқсиз ҳолга келиб қолгани, озиқ-овқат саноати корхоналарининг ишдан

чиққанлиги эди. 1946 йилга келиб Иттифок раҳбари И.В. Сталиннинг кўрсатмасига биноан, Ўзбекистон пахтакорлари олдига 1 миллион 160 минг тонна пахта етказиб бериш вазифаси қўйилди [1. Б. 3].

Бундай вазифа қўйилишига асосий сабаб, Ўзбекистон етиштирадиган пахта Иттифок ҳудудида фаолият олиб бораётган тўқимачилик саноатининг пойдевори бўлиб келган эди. Ўлкада пахта етиштириш ва уни марказга етказиб бериш билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги, хусусан, озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш вазифалар мавжуд эди. Жумладан, Ўзбекистон ғаллакорлари томонидан 1946 йил 25 сентябрида пахтачилик билан бир қаторда ғалла етиштириш 64,6 фоизга бажарилган эди. Ушбу ҳудудлар куйидагича бўлинган эди: Тошкент вилояти 46,5 фоиз, Наманган вилояти 50,8 фоиз, Андижон вилояти 53 фоиз, Хоразим вилояти 60,5 фоиз, Қорақалпоғистон АССР 61,2 фоиз, Сурхондарё вилояти 64,5 фоизга ғалла режасини бажарган эди [2. Б. 4].

Юқоридаги келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, пахтачиликка қўйилган талаб ғаллачиликнинг бажарилишига таъсир этмасдан қолмаган. Натижада, Республикада 1946 йил 25 сентябр ҳолатига 34,225 гектар ерда ғалла ўриб йиғиб олинмаган эди [3. Б. 4]. Урушдан аввал ҳам, кейин ҳам Ўзбекистон ҳукумати Марказнинг кўрсатмаси билан йилдан-йилга пахта майдонларини кенгайтириб, ўз навбатида, ғалла майдонларини қисқартириб, Россия тўқимачилик саноатига пахта етказиб бериш ҳажмини оширган эди [4. Б. 123]. Кўриниб турибдики, аҳоли озиқ-овқатининг ўзаги ҳисобланган дон маҳсулотларини етиштиришнинг камайрилиши мураккаб вазиятни келтириб чиқарган эди.

Жумладан, колхозларда ғаллани йиғиб олишдаги маъмурий-буйруқбозлик сиёсати уюшқоқликнинг йўқолиши ва давлат режасини бажарилишига бўлган ишончсизлик ҳамда айрим колхозларда ғаллани ўриб олиб, колхозчилар томонидан беркитиб қўйиш ҳолатларига сабаб бўлган эди. Биргина мисол, Сурхондарё вилояти Денов тумани “Қизил қахрамон” колхозида 230 центнер, “Қизил октябрь” колхозида 50 центнер, “Октябрь 20 йиллиги” колхозида эса 260 центнер ғалла давлатга топширилмай, яшириб қўйилган эди [5. Б. 3]. Лекин, бундай жараён ҳамма жойларда ҳам содир бўлмаган ва колхоз томонидан бажарилган режадан ташқари ҳам давлатга ғалла топширган эди.

Масалан, Самарқанд вилоятининг Самарқанд тумани “Бирлашган куч” колхозчилари режадан ташқари 120 пуд [6. Б. 28] ғалла, 1080 пуд шולי топширган бўлса, туман бўйича 6 минг пуд шולי ва ғалла топширган эди. Шунингдек, Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани колхозчилари ҳам давлатга режадан ташқари 18 минг пуддан ортиқ ғалла етказиб берган ва ғалла таъминотида муаммоларни олдини олишга ўз ҳиссаларини қўшган эди.

Иттифоқ худудида урушнинг дастлабки даври учинчи беш йиллик(1938–1942 йй.)да саноат тараққиётига алоҳида эътибор берилди. Беш йилликнинг дастлабки даврида 134 та саноат корхонаси ишга туширилган бўлса, Ўзбекистон ССРда ушбу даврда 1445 та йирик ва ўрта саноат корхоналаримавжуд эди [7. Б. 224]. Хусусан, озиқ-овқат ишлаб чиқаришни саноатлаштириш ва урушдан сўнг иттифоқ мамлакатларида асосий озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда аҳолига етказиб бериш таъминотни кучайтириш масаласи бошқа саноат тармоқлари қатори кун тартибида долзарб масала эди. Чунончи, 1945 йилда бутун иттифоқда кондитер моллари ва спирт маҳсулотлари 1.5 баробар, ёғ ва пиво 30 фоиз кўп ишлаб чиқарилган эди.

Масалан, урушдан сўнг озиқ-овқат моллари ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари сонини оширишга ҳам эътибор қаратилиши натижасида 1946 йилнинг ўзида Ўзбекистон ССРда иккита, шу жумладан, Чимбой ёғ заводи қуриб битказилди[8. Б. 2]. Заводни қуришдан мақсад, уруш йиллари Иттифоқнинг ғарбий ҳудудларида йўқотилган озиқ-овқат ишлаб чиқарадиган заводларнинг ишдан чиққани ва таъминотдаги узилишлар ўрнини тўлдириш, аҳолига ёғ-мой етказиб бериш кўзда тутилган эди.

Урушдан сўнг аҳолини турмуш тарзини яхшилаш ва иъстемол молларини нархини пасайтириш масаласи ҳам кўриб чиқилди, натижада 1946 йил 25 февралда СССР Савдо Халқ комиссарлиги томонидан кенг истеъмол моллари ва озиқ-овқат моллари нархини камайтириш ҳамда сотиш бўйича бутун Иттифоқ учун қарори қабул қилинди. 1946 йил 26 февралдан бошлаб Иттифоқ ҳудудининг барча шаҳарлари, шу жумладан, Тошкентда ҳам озиқ-овқат моллари бир мунча камайтирилган ҳолда сотилган эди. Жумладан, гўштли овқатларнинг нархи 35–40 фоиз, қора ноннинг нархи 60 фоиз, буғдой нон 50 фоиз, буханка нон 36–64 фоиз, куруппа 55–58 фоиз, қанд 33 фоиз, кондитер маҳсулотлари 18–55 фоиз, чой 33 фоиз, кофе 40 фоиз, биринчи навли икра 37 фоиз, пишлоқ 28 фоиз, гўшт ва сут маҳсулотлари 10–25 фоиз, балиқ ва балиқ маҳсулотлари 18–37 фоиз, 40 даражали “Москва” ароғи 25 фоиз, вино эса 25 фоизга камайтирилган эди[9. 2].

Кўришиб турибдики, аҳолининг кундалик эҳтиёж моллари нархи икки баробар пасайтирилган ва мамлакатда озиқ-овқат масаласини фақат арзонлаштирибгина қолмай, унинг 1946 йил учун етиштириш режаси ҳам кўтарилган эди. Хусусан, 1946 йилда Тошкент вилоятининг Тошкент, Қорасув ва Калинин туманларида 1945 йилдаги 84 минг тонна етиштирилган сабзавотлар ўрнига 127 минг тонна сабзавот етказиб бериш режаси қўйилган эди[10. Б. 4].

Аҳолини озиқ-овқат таъминоти турларидан гўшт ва сут маҳсулотлари тайёрлаш ҳамда етказиб бериш масаласи ҳам куннинг долзарб мавзуси эди. Хусусан, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ЎК(б)П Марказий Комитети

1946 йилда Ўзбекистон ССР Гўшт-сут саноати вазирлигига қарашли корхоналарда 1.850 тонна миқдорида мол ёғи ишлаб чиқарилсин, деб белгилаган эди. Сут етказиб беришда эса 1946 йилда Ўзбекистон ССРда сут тайёрлаш режаси 526.607 гектолитр, шу жумладан, колхозлар томонидан мажбурий тартибда етказиб бериладиган сут миқдори 167.607 гектолитр, колхоз хонадонлари, ишчилар, хизматчилар хўжалиги ва якка хўжаликлар томонидан топшириладиган сут миқдори 229.547 гектолитр, Иттифоқ Министрлигига қарашли совхозлардан 31.677 гектолитр, бошқа совхозлар ва ёрдамчи хўжаликлардан 20 минг гектолитр миқдорида белгиланди [11. Б. 2]. Аҳолини сут ва сут маҳсулотлари билан мунтазам таъминлаш, етказиб бериш ва истеъмол қувватини ошириш учун сигирлар сонини ошириш бўйича алоҳида режа ишлаб чиқилди. 1946 йилдан бошлаб Ўзбекистон ССРнинг барча туманлари учун ҳар бир колхоз хонадонлари 100 литр ва якка хўжаликлар 150 литр давлатга сут топшириши мажбурий этиб белгиланган эди [12. Б. 2]. Жорий этилган ушбу сиёсат мажбурий бўлибгина қолмай, давлат томонидан режани бажарилиши ва мунтазам йўлга қўйилиши назорат қилиб борилган бўлса-да, иккинчи томондан, сут топшириш режасини бажарган колхоз хонадонлари ва ёрдамчи хўжаликлар моддий ҳамда маънавий томондан рағбатлантирилган эди.

Чунончи, колхозлар, якка хўжаликлар, ишчилар ва хизматчиларнинг оилалари томонидан давлатга сут топшириш режасини ошириб берилган сут ва ёғ учун икки баробар ҳақ тўланди, лекин колхозлар ва ёрдамчи хўжаликларида сут ҳамда ёғ тайёрлаш, давлатга топшириш режа бўйича кетмаган эди. Колхозлар томонидан тайёрланган сут ва ёғнинг колхозчилар томонидан ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборилиши, сут бераётган жамоага қарашли сигирларни айрим шахсларга фойдаланиш учун бериб юбориш ҳолатлари ҳамсодир бўлган, бу эса давлатга сут ва ёғ топшириш режасига ўз таъсирини кўрсатган эди.

Сут ва ёғ топшириш режасини бажаришда автотранспорт воситаларининг эскиргани ва етишмаслиги ҳам таъминотга таъсир этмай қолмаган. Натижада, 1946 йилда СССР Гўшт ва сут саноати вазирлигидан Ўзбекистон ССР Гўшт-сут саноати вазирлигига апрель ойида 30 та юк ва 6 та енгил автомобиль, 200 комплект автомобиль резиналари ва турли хил асбоб-анжомлар етказиб берилди [13. Б. 2]. Лекин, республикада қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлган пахтачиликда эса режа бажарилиши ва қабтий тартибда олиб борилишига умуман бошқача ёндашилди. Жумладан, ғўзага ишлов бериш териш, уни йиғиштириб олиш ва сабабсиз теримда қатнашмаганларга сиёсий тус берилиб, узоқ муддатга сталинча “ахлоқ тузатиш-меҳнат лагерлари”га жўнатилади [14. Б. 280].

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулот турларидан бири ҳисобланган товуқ гўшти ва тухум маҳсулотлари билан таъминлаш ҳам урушдан кейинги йилдаёқжадал олиб борилган. Жумладан, Бухоро туманида биринчи ярим йиллик ичида тайёрлаш керак бўлган 38 минг ўрнига 43 минг тухум дона етиштирган бўлса, Лоша қишлоқ матлубот иттифоқи энг олдинда бориб, 5 тонна ўрнига 8 тонна барра товуқ гўшти тайёрлаган эди [15. Б. 4].

Ўзбекистон ССРда озиқ-овқат маҳсулот турлари ва ишлаб чиқаришни кўпайтириш чора-тадбирлари жадаллаштирилиб, кундалик эҳтиёж турларидан қанд ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, аҳолига етказиб бериш масаласи ҳам долзарб ҳисобланган. Қанд маҳсулотларини ишлаб чиқаришни тизимли йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон қанд саноати ходимларининг 1946 йилдаги кенгашида йил давомидаги режалари муҳокама қилинган. Хусусан, 1944 йилга нисбатан қанд лавлаги етиштириш уч баробарга ошди ва колхозлар гектаридан 400 центнергача лавлаги олдилар, деб қайд этилган эди [16. Б. 4].

Уруш йилларида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида пахтадан кейин ўринларда турувчи экин қанд лавлаги етиштириш техника экинлари орасида етакчи бўлган. Урушдан сўнг ҳам қанд лавлаги етиштирилиши мамлакатда камайтирилмаган ва аксинча, қанд ва қанд маҳсулотлари етиштиришда асосий хом-ашё маҳсулоти бўлиб, колхозларда қанд лавлаги етиштириш давлат режаси асосида олиб борилган. 1946 йилнинг ўзида Тошкент вилояти Янгийўл туманида “Қизил Шарк” колхозиде деҳқонлар бир гектар ердан 538 центнердан қанд лавлаги етиштирган эди [17. Б. 4]. Лекин, қанд лавлаги етиштириш ва етказиб бериш мамлакатнинг ҳамма ҳудудларида ҳам бир хилда кечмаган. Жумладан, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида қанд лавлаги етиштириш ҳамда давлатга топшириш жуда ҳам суст бўлган. Мисол учун, Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида лавлаги етиштириш ва давлатга етказиб бериш режаси 1946 йил 4 октябрга келиб йиллик режани 17,9 фоизга бажарган эди, холос.

Хулоса сифатида шунини қайд этиш мумкинки, иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда озиқ-овқат тақчиллигининг юзага келишига колхозларда ишчи кучининг озлиги, айрим пайтларда содир бўлган қурғоқчилик, маъмурий-буйруқбозлик сиёсатининг кучайганлиги етказиб беришдаги қишлоқ хўжалик техникаларининг яроқсизлиги ва етишмаслиги сабаб бўлган эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Қизил Ўзбекистон.1946 йил 20 октябрь.– №19. – Б. 3.
2. Қизил Ўзбекистон.1946 йил 25сентябрь.– №12. – Б. 4.
3. Қизил Ўзбекистон. 1946 йил 25 сентябрь. – №12. – Б. 4.
4. Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати:тарих шохидлиги ва сабоқлари. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б.123.
5. Пуд – 16 кгга тенг оғирлик ўлчов бирлиги. Бу ҳақда қаранг: Чориев З. Тарих терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент, 2002. – Б. 28.¹
6. Ҳайдаров М. Ўзбекистонда совет давлати бошқарув тизими: шаклланиш босқичлари ва моҳияти. – Тошкент: Абу матбуот-консалт, 2012. – Б.224.
7. Қизил Ўзбекистон.1946 йил 9 январь.– №7. – Б. 2.
8. Қизил Ўзбекистон.1946 йил 26 февраль.– №7 . – Б. 2.
9. Қизил Ўзбекистон.1946 йил 2 март.– №45. – Б. 4.
10. Қизил Ўзбекистон.1946 йил16 апрель.– №77. – Б. 2.
11. Қизил Ўзбекистон. 1946 йил16 апрель.– №77. – Б. 2.
12. Қизил Ўзбекистон. 1946 йил16 апрель.– №77. – Б. 2.
13. Қизил Ўзбекистон. 1946 йил16 апрель.– №77. – Б. 2.
14. Мустабид тузумнинг... – Б.280.
15. Қизил Ўзбекистон.1946 йил19 апрель. –№79. – Б. 4.
16. Қизил Ўзбекистон. 1946 йил 19 апрель. –№79. – Б. 4.
17. Қизил Ўзбекистон. 1946 йил 19 апрель. –№79. – Б. 4.